

**Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти
акциядорларининг умумий йиғилиши
М А Ж Л И С Б А Ё Н И № 1**

Бухоро шаҳри
И.Каримов кўчаси 31уй.

22-июнь 2019 йил.
соат 11.00.

Жами акциялар сони:	653 855 дона
Йиғилишда қатнашган акциядорлар сони	12 та
акция овози	451 861 та
кворум	69,11%

Раислик қилди: Жамият Кузатув кенгаши раиси К.М.Мақсудов.

Қатнашдилар: «Ўзагрокимёҳимоя» АЖнинг 31.01.2019 йилдаги 01-16/96-сонли “Ишончнома”си асосида жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати бошлиғи К.М.Мақсудов, Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ директори А.М.Анваров, унинг ўринбосарлари, барча туман филиал мудирлари ҳамда масъул шахслари, бўлим бошлиқлари ва акциядорлар.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши кун тартиби:

- 1. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ акциядорларининг 2018 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.*
- 2. Саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.*
- 3. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгашининг 2018 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.*
- 4. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ тафтиш комиссиясининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.*
- 5. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ директорининг 2018 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш.*
- 6. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ ташқи аудиторининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.*
- 7. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш.*
- 8. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якунига бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш.*
- 9. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.*
- 10. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг жойлаштирилган акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш миқдори, шакли ва тартибини тасдиқлаш.*
- 11. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг 2019 йил учун тузилган “Бизнес-режа”сини тасдиқлаш.*
- 12. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*

13. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини фаолият олиб борган даври учун рағбатлантириш.

14. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

15. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

16. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖда 2019 йил учун ташқи аудиторлик текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

17. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини белгилаш ва маъқуллаш.

18. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави, Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги ва кузатув кенгаши тўғрисидаги ҳужжатларини тасдиқлаш.

Йиғилишни Кузатув кенгаши раиси К.М.Мақсудов очиб, санок комиссиясининг йиғилишда иштирок этаётган акциядорларга тегишли овозлар саноғи тўғрисидаги ҳисоботини ўқиб беришларини сўради.

Санок комиссияси аъзоси Бозоров Исмоил сўзга чиқиб Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ акциядорларининг 2019 йил 22 июнь куни навбатдаги, 2018 йил молиявий-хўжалик йили якунига бағишланган умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш ишлари 2019 йил 22 июнь куни соат 10.00 да бошланиб 11.00да тугаганлигини айтиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларини қайд қилиш варақасига мувофиқ соат 11.00 ҳолатида акциядорларининг мазкур йиғилишида жамият Низомига асосан жами **653 855** дона овозга эга бўлган **1 224** нафар акциядордан **451 861** дона овозга эга бўлган **12** нафар акциядор ва уларнинг вакиллари қайд этилганлигини айтиб ўтди ва бу умумий овозга эга бўлган акцияларнинг **69,11** фоизини ташкил қилганлигини, шундан **2** та юридик шахс мақомига эга бўлган акциядор вакили ишончнома орқали **349 870** та овоз билан, **10** нафар жисмоний шахслар **101 991** дона овоз билан иштирок этаётганлигини йиғилиш қатнашчиларига маълум қилди.

Янги таҳрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддаси ҳамда жамият Низомига мувофиқ агар йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш тамом бўлган вақтда жамият томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами **50** фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўпланган) ҳисобланишини ҳамда бугунги йиғилишда жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг **69,11** фоиз эгалари қатнашиб турганлигини инобатга олиб умумий йиғилишни “ваколатли” деб ҳисоблаш юзасидан ўз таклифини берди.

К.М.Мақсудов йиғилишни «очиқ» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида иштирокчилар таклифини сўради. Йиғилишни «очиқ» деб эълон қилиш ва уни ўтказиш тўғрисидаги таклиф бир овоздан тасдиқланди.

К.М.Мақсудов йиғилишнинг ишчи президиумини сайлаш тўғрисида таклиф беришларини сўради.

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев йиғилишнинг ишчи президиумини сон жихатдан 3 кишидан иборат бўлишини таклиф этиб, «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ вакили, Кузатув кенгаши раиси К.М.Мақсудов, жамият директори–А.М.Анваров ва акциядор Ш.Ш.Исаевларни йиғилишнинг ишчи президиумига сайлашни таклиф этди. Йиғилиш раислигига Кузатув кенгаши раиси К.М.Мақсудовни, котиблигига А.Рўзиевни сайлашни таклиф этди.

М.Т.Бабаев жамият кузатув кенгашининг 2019 йил 24 майдаги йиғилиши қарорига асосан жамият акциядорларининг умумий йиғилишига акциядорларни хабар қилиш учун рўйхат 2019 йил 24 май ҳолатида ва умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2019 йил 18 июнь ҳолатида ёпилганлигини, Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ акциядорларининг 2019 йил 22 июнь куни навбатдаги, 2018 йил молиявий-хўжалик йили якунига бағишланган умумий йиғилиши ва унинг кун тартиби тўғрисидаги эълон жамиятнинг расмий веб-сайтида ҳамда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида чоп этилганлигини, барча акциядорлар умумий йиғилиш тўғрисида хабардор қилинганларини айтиб йиғилишнинг кун тартибини акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

К.М.Мақсудов: Умумий йиғилиш регламентини оддий овоз бериш йўли билан тасдиқлаб олишимиз керак. Маърузачиларга 10 минутгача, музокарага чиқувчилар учун 3 минутдан вақт беришни таклиф этаман. Ушбу таклиф бўйича оддий овоз бериш йўли билан овоз беришларингизни сўрайман. Тарафдор, Қарши, Бетараф.

Умумий йиғилиш регламенти бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

К.М.Мақсудов: Ушбу мажлиснинг санок комиссиясига жамият ходимлари Очиллов Олим, Улжанов Нодир ва Бозоров Исмоилларнинг номзодлари киритилган. Таклифга оддий овоз бериш йўли билан овоз беришингизни сўрайман.

Тарафдор, Қарши, Бетараф.

Кўпчилик овоз билан санок комиссияси О.Очиллов, Н.Улжанов ва И.Бозоровлардан иборат таркибда сайланди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

Жамият Кузатув кенгашининг ўтган бир йиллик фаолияти юзасидан ҳисоботи ва қабул қилинган қарорларни тасдиқлаш юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев ҳисобот берди.

Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши аъзолари ўтган 2018 йил 23 июндан 2019 йил 22 июнгача бўлган даврда муайян ишларни амалга оширдилар. Жумладан Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» АЖ Кузатув Кенгаши аъзолари жамиятнинг бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, акциядор-мулкдорларнинг ўз ролини анча кучайтириш, кузатув кенгаши ваколатини мустақамлаш, тасдиқланган бизнес-режалар бажарилиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, жамиятнинг молиявий ҳолати, фойда кўриш ва акциядорларга ҳисобланган дивидендларнинг ўз вақтида тўлаш учун жамият раҳбарияти масъулиятини оширишга доир қатор ишларни амалга оширдилар. Кузатув кенгаши сайланган даврдан бошлаб, бугунги кунгача ўз ташаббуси билан, шунингдек жамиятда корпоратив бошқарув тамойилларини янада ривожлантириш мақсадида, жамият бошқаруви ҳамда юқори ташкилотлар муружаати асосида

6 (олти) марта Кузатув кенгашининг йиғилишини ҳамда 1 (бир) марта жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиб жамият директори ва ўринбосарларининг, ички аудит хизматининг, туман филиаллари ва бош ҳисобчиларининг ҳар чорак якуни бўйича қилинган ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглаб муҳокама қилдилар. (Ҳисобот матни илова қилинади).

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

Жамият тафтиш комиссияси аъзоси Ш.Мирзаев жамиятнинг молиявий кўрсаткичларига тўхталиб ўтиб, 2018 йил давомида бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилишини таҳлил қилиб берди. (Ҳисобот матни илова қилинади). Шу билан бирга жамият молиявий аҳволини белгиловчи кўрсаткичлар таҳлили келтирилиб, жамиятнинг бундан кейинги молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар бериб ўтилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

Вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти директори А.М.Анваров ўз ҳисоботида қуйидагиларни гапириб ўтди: Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти ва унинг тизимидаги ташкилотлар томонидан 2018 йилда қишлоқ хўжалигига минерал ўғит ва кимё воситалар етказиб бериш, шартнома асосида агрокимёвий хизматлар кўрсатиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш, тизимдаги филиалларни молиявий барқарорлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан: 2018 йил ҳосили учун жамият томонидан Республикамиздаги «Максам-Чирчик», «Фаргонаазот» ва «Навоийазот» каби кимё корхоналари билан азотли ўғитлар олишга, «Аммафос-Максам» кимё корхонаси билан фосфорли ўғитлар, “Дехқонободкалий” ДУК билан калийли минерал ўғитлар олиш учун шартномалар тузилди. Ушбу шартномалар асосида минерал ўғитларни жамғариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига белгиланган муддатларда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган нарядлар асосида етказиб берилди. 2018 йил давомида кимё заводларидан жами соф ҳолда 36 007 тонна азотли ўғитлар, 10 726 тонна фосфорли ўғитлар ва 4 045 тонна соф ҳолда калийли ўғитлар олинди. (Ҳисобот матни илова қилинади).

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

Жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб, МЧЖ шаклидаги “PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг 2018 йил молия-хўжалик якуни бўйича ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувига асосан ёзилган аудиторлик ҳулосасини ўқиб эшиттирди.

МЧЖ шаклидаги “PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг

30 апрель 2019 йилги Ижобий фикр билдирилган аудиторлик ҳулосаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 январда берилган АФ №00720-сонли лицензияга ва Молия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 ноябрда берилган 05572-сонли малака Сертификатига асосан МЧЖ шаклидаги “PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг аудитори Ж.Саидов томонидан Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» ХАЖнинг 2018 йил 1 январдан 2019 йил 1 январгача бўлган давр молиявий фаолияти текширилди. Аудиторлик

текшируви аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартлари(МҲХС)га асосан ўтказилди. Бухоро вилоят «Агрокимёхимоя» АЖнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини барча муҳим жабҳаларда ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига ҳамда халқаро молиявий ҳисобот стандартлари(МҲХС)га мувофиқ келади.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

Жамият директорининг иқтисод бўйича ўринбосари Ш.Исмоилов сўз олиб, қуйидагиларни баён қилди:

Бухоро вилоят «Агрокимёхимоя» акциядорлик жамиятининг 2018 йилдаги молиявий натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи қуйидагича:

2018 йил бухгалтерия баланси. (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Ҳисобот йили Бошига	Ҳисобот даври охирига
АКТИВ		
Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	25 883 442	32 538 902
Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	0	0
Узоқ муддатли инвестициялар	1 151 284	1 658 373
Капитал қуйилмалар	436 635	1 005 315
Узоқ муддатли дебитор қарзлар	0	51 399 834
Товар моддий захиралари	53 024 868	65 461 778
Келгуси давр харажатлари	6 376 367	5 807 208
Дебиторлар жами	167 595 139	131 926 551
Пул маблағлари	1 120 027	1 218 441
Баланс активи бўйича жами	255 587 762	291 016 402
ПАССИВ		
Устав капитали	653 855	653 855
қўшилган капитал	87 397	87 397
Резерв капитали	3 813 345	5 018 743
Тақсимланмаган фойда	679 146	734 545
Мақсадли тушумлар	5 458 840	5 458 840
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	3 955 804	97 717 266
Жорий мажбуриятлар, жами	240 939 375	181 345 756
Баланс пассиви бўйича жами	255 587 762	291 016 402

Молиявий натижалар (минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Даромад	Харажат
Маҳсулот сотишдан соф тушум	228 024 231	
Сотилган маҳсулотнинг таннари		195 055 596
Маҳсулотларни сотишдан ялпи фойда	32 968 635	
Давр харажатлари		26 770 397
Асосий фаолиятдан даромадлар, жами	6 198 238	
Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами	30 220	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	6 228 458	
Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар		5 493 913
Соф фойда	734 545	

Акциядорлик жамиятининг 2018 йил якуни бўйича тузилган бухгалтерия ҳисоботлари МЧЖ шаклидаги “PROMSTROY-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг 30 апрель 2019 йилги ижобий фикр билдирилган хулосаси билан тасдиқланган.

2018 йил давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга яъни фермер хўжаликларига 4 701 734 минг сўм биомахсулотлар ва зараркунандаларга қарши курашиш хизматлари, 5 360 409 минг сўмлик агрокимёвий хизматлар, 57 920 минг сўмлик транспорт хизматлари ва 105 197 минг сўмлик бошқа хизматлар кўрсатилган ёки жамиятнинг ишлаб чиқариш соҳасидан олинган жами даромади 10 225 260 минг сўмни ташкил қилиб, ушбу соҳадан йил якуни бўйича режалаштирилган 254 357 минг сўмлик фойда ўрнига амалда 294 763 минг сўмлик фойда олиниб, жамият бўйича фойда олиш режаси 116 фоизга бажарилди.

Ўтган 2018 йилда жамият ва унинг тизимидаги филиаллар томонидан фермер хўжаликларига ўзаро тузилган шартномаларга асосан 185 852 463 минг сўмлик минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар етказиб берилиб, ушбу йўналишдан вилоят бўйича 409 562 минг сўмлик фойда олинган.

2018 йил давомида вилоят бўйича соҳалардан олинган жами даромад 32 998 855 минг сўмни ташкил қилган бўлса, жами харажат эса 26 770 397 минг сўмни ташкил қилиб, жамиятнинг фойдаси 6 228 458 минг сўмни ташкил қилди, ушбу фойдадан 5 493 913 минг сўмлик солиқ тўланиб, соф фойда 734 545 минг сўмни ёки тасдиқланган бизнес режага нисбатан 53 112 минг сўм ортикча фойда олишга эришилди.

Йиғилиш раиси К.М.Мақсудов сўзга чиқиб, акциядорлардан йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги саккизинчи масала “Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ директорини сайлаш ва у билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиши ўтказгунга қадар узайтириш” бўйича Кузатов кенгаши раиси К.М.Мақсудов сўз олиб, амалдаги қонунчиликка асосан жамият бошқарув раиси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланишини, у билан бир йиллик муддатга меҳнат шартномаси тузилишини айтиб ўтди. Жамият Кузатов кенгашининг 2019 йил 24 майдаги йиғилиш қарори билан жамият директори А.М.Анваров билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш масаласи овоз бериш бюллетенига киритилганлигини, акциядорлар овоз бериш бюллетенидаги тегишли қаторда белги қўйиб ёпиқ тарзда овоз бериши мумкинлигини билдириб ўтди. Жамият директори А.М.Анваров билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш, А.М.Анваров билан тузиладиган меҳнат шартномаси матнини иловага мувофиқ тасдиқлаш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги тўққизинчи ва ўнинчи масалалар бўйича:

Жамият Кузатов кенгаши раиси К.М.Мақсудов сўз олиб, қуйидагиларни айтиб ўтди: Жамият Кузатов кенгашининг 24.05.2019 йилги йиғилиш қарорига асосан жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича олинган 734 545,0 минг сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия этилмоқда: Жамиятнинг захира фонди шаклланганлиги сабабли маблағ ажратилмайди, Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасига соф

фойданинг 25 фоизи, яъни 183 636,0 минг сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш фондига соф фойданинг 1 фоизи миқдорида, яъни 7 345,5 минг сўм, янги технологиялар (инновациялар)ни жорий этиш жамғармасига соф фойданинг 1 фоизи миқдорида, яъни 7 345,5 минг сўм, Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 12 фоизи, яъни 88 145,4 минг сўм, жамиятнинг бошқарув аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 5 фоизи, яъни 36 727,3 минг сўм, тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 1 фоизи, яъни 7 345,5 минг сўм, соф фойданинг 55%, яъни 403 999,8 минг сўмини эса дивиденд сифатида акциядорларга тақсимлаш сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Номинал қиймати 1000 сўм бўлган ҳар бир дона акцияга 617,87сўмдан дивиденд ҳисоблаш тавсия этилмоқда. К.М.Мақсудов дивидендлар қонунчилиқда белгиланган тартибда ва муддатларда, яъни дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг 60 кун ичида тўланиши лозимлигини, дивиденд тўловларини амалга оширилиши учун жамият бошқаруви ўрнатилган тартибда жавобгар эканлигини таъкидлади.

Йиғилиш раиси К.М.Мақсудов сўзга чиқиб акциядорлардан йиғилиш кун тартибидаги тўққизинчи ва ўнинчи масалалар бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

Жамият директорининг иқтисод бўйича ўринбосари Ш.Исмоилов сўз олиб, қуйидагиларни баён қилди: Бухоро вилоят «Агрокимёҳимоя» акциядорлик жамияти акциядорларининг ҳисобот йиғилишида жамиятнинг 2019 йилга мўлжалланган Бизнес режасини муҳокама қилиб тасдиқлаб олишимиз керак. 2019 йилда жамият бўйича вилоят кишлок хўжалик корхоналарига 214 274,8 млн. сўмлик минерал ўғит ва кимёвий воситалар етказиб бериш мўлжалланмоқда. Минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотишдан олинадиган даромад 36 814,8 млн. сўмни, харажат 36 369,1 млн. сўмни ташкил этиши ҳамда бу соҳадан 445,7 млн. сўм фойда олиниши кутилмоқда.

Агрокимёвий иш турлари бўйича қарайдиган бўлсак, компост тайёрлаш 29,9 минг тоннани, махалий ўғит ташиш 26,2 минг тоннани, минерал ўғит ташиш 25,9 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилган. Бундан ташқари 46 800 гектар майдонга суспензия килиш ҳамда 28 851 гектар майдонга дефолиация ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Зараркунанда хашоратларга қарши курашиш бўйича хизмат курсатишда 4 473,8 млн.сўм иш бажариб, унга кетадиган харажатлари 4 355,5 млн.сўмни олинадиган фойда эса 118,3 млн.сўмни ташкил қилиш режалаштирилган.

Агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича эса 6 050,9 млн. сўмлик иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 5 868,3 млн. сўмни олинадиган фойда эса 182,6 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

Автотранспорт соҳасининг даромади 32,1 млн. сўмни унинг харажати эса 27,4 млн. сўмни ташкил этиши ва бу соҳадан 4,7 млн. сўм фойда олиш режалаштирилмоқда. Бошқа ишлар бўйича 22,5 млн. сўмлик иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 17,8 млн. сўмни олинадиган фойда эса 4,6 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

2019 йилда жами – 47 394,0 млн. сўм иш бажариб, унга кетадиган харажатлар 46 638,1 млн сўмни, олинадиган фойда эса 755,9 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилмоқда. 2019 йилда соф фойдамиз 755,9 млн. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

Жамият Кузатув кенгаш аъзоси О.Ж.Аслонов сўзга чиқиб реал режа белгилаш кераклигини, ҳар бир туман филиаллари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда «Бизнес-режа» параметрлари белгиланиши лозимлиги ҳақида гапирди.

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала

“Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш” бўйича жамият Кузатув кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб, “NAYMON INVEST CONSULTING” МЧЖ томонидан 2019 йил 23-майда берилган хулоса матни билан йиғилганларни таништирди. (Хулоса илова қилинмоқда). Холис баҳоловчи компания томонидан “Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари “қониқарли” деб эътироф этилганлигини айтиб, мазкур хулосани маълумот учун қабул қилишни таклиф этди.

Кун тартибдаги ўн учинчи масала

“Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларини фаолият олиб борган даври учун рағбатлантириш” бўйича жамият Кузатув кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган. Шунингдек, юқоридаги қонуннинг 59-моддасига ва жамият уставига мувофиқ, жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш жамият кузатув кенгаши ваколатига кириши кўрсатилган. Шу билан бирга, юқоридаги қонуннинг 74-моддасига мувофиқ, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкинлиги, бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдори акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланиши ва қонуннинг 75-моддасига мувофиқ, жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киришини белгиланганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси, акциядор Р.Сатторов мукофотни жамият Кузатув кенгаши раиси ва котибига уларнинг бажарадиган иш ҳажмлари ва масъулиятларини ҳисобга олган ҳолда кўпроқ миқдорда ажратишни, жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг масъулияти бир хил бўлганлиги сабабли уларга ажратиладиган рағбатлантириш миқдори ҳам бир хил бўлиши лозимлигини ҳисобга олиб қолган аъзоларга эса пропорционал равишда тенг миқдорда тақсимлашни тавсия қилди.

Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 88 145 400 сўм рағбатлантиришни қуйидагича тақсимлаш, яъни Кузатув кенгаши раиси К.Максудовга 15 866 170 сўм, Кузатув кенгаши котиби М.Т.Бабаевга 12 526 362 сўм, кузатув кенгаши аъзолари М.Қосимов, Ж.Козимов, М.Қорабоев, З.Мирзажонов, О.Ж.Аслонов, Ш.Ш.Нишонов ва Р.Сатторовларнинг ҳар бирига 8 536 124 сўмдан рағбатлантириш

ҳисоблаш, Ижроия органи аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган маблағни ижроия органи аъзоларининг йиғилиш қарорига мувофиқ тақсимлашни тавсия этиш таклиф этилди.

Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларининг бундан буён фаолият олиб борадиган даври учун рағбатлантиришда тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорини ўрнатилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган Низом асосида белгилаш таклифи киритилди.

Қун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатув кенгаш раиси К.М.Мақсудов сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202 сонли қарор талабларига асосан жамият кузатув кенгаш аъзолари ва тафтиш комиссия аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланишлари тўғрисида гапириб, акциядорлардан бюллетен орқали ўз фикрларини билдиришларини сўради. Бу йилги рўйхатга жамият Кузатув кенгашининг ўтган йилги 9(тўққиз) нафар аъзосига қўшимча равишда 3(уч) нафар, жами 12(ўн икки) нафар аъзоликка номзодлар номи рўйхатга киритилганлигини айтди. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасига мувофиқ ушбу қонуннинг 83-моддаси 7-хатбошида кўрсатилган тартибда ўтказилишини ва қуйидаги коидага биноан сайланишини айтиб ўтди. Акциядор овозларининг сони акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонининг кузатув кенгашидаги ўринлар сонига кўпайтмасига тенг бўлади, яъни овоз бериш аккумулятив равишда ўтишини тавсия этди. Кузатув кенгаши таркиби 9(тўққиз) кишидан иборат бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак энг кам овоз тўплаган номзод Кузатув кенгаши таркибига киролмаслигини таъкидлади. К.М.Мақсудов Кузатув кенгаши таркибига номзодлар ва уларни таклиф этган ташкилотлар ҳақида гапириб ўтди. К.М.Мақсудов аксарият акциядорларимизнинг аккумулятив равишда овоз бериш вақтида ўзларига тегишли акциялар тақсимоли вақтида қийналишларини, бу эса овоз бериш бюллетенлари бузилишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда улар ўзларига тегишли акцияларни тўққизга кўпайтириб жамият Кузатув Кенгашига ўзлари яхши билган, ишонган, жамият ҳаётида фаол иштирок этишга тайёр бўлган, йиғилишларда ушбу акциядорлар манфаатларини ҳимоя қиладиган номзодлардан бирортасига беришларини тавсия этди.

Қун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатув кенгаш раиси К.М.Мақсудов сўз олиб, жамиятнинг йирик акциядорлари томонидан жамият тафтиш комиссияси аъзолигига кўрсатилган номзодлар овоз бериш бюллетенига киритилганлигини айтиб жамият тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар рўйхатини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттирди ва улардан овоз бериш бюллетенларида ушбу номзодларга муносабатларини билдиришларини сўради.

Тафтиш комиссиясига номзодлар:

1. Худойбердиев Шерзод - “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ етакчи мутахассиси,
2. Нарзуллаев Дилшод - “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бош мутахассиси,
3. Мирзоев Шерзод - “Bukhara Cotton Textile”МЧЖ бухгалтер ёрдамчиси,
4. Бойлиев Улуғбек- “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ бош мутахассис.

Кун тартибдаги ўн олтинчи масала бўйича:

Жамият Кузатув кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб жамиятнинг 2019 йил хўжалик–молиявий фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиб бериш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатли органлар лицензиясига эга бўлган “PROMSTROY-AUDIT” МЧЖ ва “Balans-Inform-Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари жамиятга ўз хизматини таклиф этганлигини, ушбу аудиторлик ташкилотларидан бири билан шартнома тузишни ва хизмат ҳақи чегарасини энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баравари миқдоригача белгилашни таклиф этди.

Акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига ушбу аудитор ташкилотларидан бирини танлаш ва унинг хизмат ҳақи чегарасини энг кам ойлик иш ҳақининг 90 баравари миқдоригача белгилаш масаласини қўйиш таклифи овозга қўйилди.

Кун тартибдаги ўн еттинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатув кенгаш раиси К.М.Мақсудов сўзга чиқиб жамият кузатув кенгаши ўзининг 2019 йилнинг 24 майдаги йиғилиш қарори билан жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига “*Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини белгилаш ва маъқуллаш*” масаласини ҳам киритганлигини айтиб, “аффилланган шахслар” ибораси тўғрисида ҳамда мазкур масалани кўриб чиқилиши зарурияти тўғрисида тушунча берди.

Шунга кўра, тафтиш комиссияси томонидан "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ ва "Бухоро Агрокимёҳимоя" ХАЖ уртасида усимликларни химоя қилиш воситаларини етказиб бериш бўйича 01.12.2017-01.05.2019 йиллар оралигида 5 550 905 046,0 сўмлик шартномалар тузилганлиги ҳамда 01.06.2019-01.06.2020 гача тузиладиган шартномалар суммаси 31 913 105 291 сўмлик шартнома тузилиши кутилаётганлигини таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига қирувчи юридик шахс жамиятнинг аффилланган шахслари ҳисобланиб, мазкур битимлар жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқилиши кераклигини маълум қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тафтиш комиссияси раиси Ш.Худойбердиев "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ ва "Бухоро Агрокимёҳимоя" ХАЖлар “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ тизим корхоналари ҳисобланганлиги сабабли, ушбу битимлар кўриб чиқилиши юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилишига кун тартибига киритилганлигини маълум қилинди.

Йиғилиш раиси К.М.Мақсудов йиғилиш иштирокчиларидан мазкур масала бўйича ҳам овоз бериш бюллетенларида ўз фикрларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги ўн саккизинчи масала бўйича:

Йиғилиш раиси, жамият Кузатув кенгаш раиси К.М.Мақсудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 20.03.2019 йилдаги 531-сонли қонуни билан

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (рўй. №ЎРҚ-370, 06.05.2014й) қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатларига ўзгартириш киритиш зарурияти туғилганлигини айтиб, жамият Кузатув кенгаши ўзининг 2019 йилнинг 26 майдаги йиғилиш қарори билан жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини ва жамланган ҳолдаги ички ҳужжатларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши муҳокамасига киритилганлигини айтиб ўтди.

Жамият Кузатув кенгаш аъзоси М.Т.Бабаев сўзга чиқиб жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави, янги таҳрирдаги “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги” ва “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” Низомлари матни билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди ва мазкур Низомларни иловаларга мувофиқ тасдиқлаб беришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар юзасидан овоз бериш натижаларини билиб олиш учун жамият акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси аъзолари томонидан йиғиб олиниб, овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларни тегишли кун тартибидаги барча масалалар юзасидан акциядорларнинг бюллетен орқали билдирган фикрларига асосланиб йиғилиш

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ акциядорларининг 2018 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси О.Очилов, Н.Улжанов ва И.Бозоровлардан иборат таркибда тасдиқлансин:
3. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ кузатув кенгашининг 2018 йил 23 июндан 2019 йил 22 июнига қадар даврдаги фаолияти бўйича ҳисоботи ва қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.
4. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ тафтиш комиссиясининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
5. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ директорининг 2018 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.
6. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ ташқи аудиторининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.
7. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил якуни бўйича жамият бухгалтерлик баланси, молиявий ҳисоботи ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.
8. А.М.Анваров Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖ директори лавозимига сайланди. А.М.Анваров билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини келгуси йил молия-хўжалик якуни бўйича йиллик умумий йиғилиш ўтказгунга қадар узайтириш йиғилиш раисига топширилсин. А.М.Анваров билан тузилган меҳнат шартномаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
9. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг 2018 йил якунлари бўйича олган 734 545,0 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин: Жамиятнинг захира фонди шаклланганлиги сабабли маблағ ажратилмайди. Кейинчалик жамият устав фондини ошириш шarti билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун соф фойданинг 25 фоизи ёки 183 636,0 минг сўм, Янги технологиялар (Инновациялар)ни қўллаб-қувватлаш жамғармасига соф фойданинг 1 фоизи ёки 7 345,5 минг сўм, Дивиденд тақсимотига соф фойданинг 55 фоизи ёки

403 999,8 минг сўм, Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 12 фоизи ёки 88 145,4 минг сўм, Жамиятнинг бошқарув аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 5 фоизи ёки 36 727,3 минг сўм, Тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 1 фоизи ёки 7 345,5 минг сўм ажратилсин.

10. Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖнинг номинал қиймати 1000 сўм бўлган ҳар бир дона акциясига 617,87 сўмдан дивиденд ҳисоблансин. Дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда (2019 йил 1 июлдан 2019 йил 24 августга қадар) тўлансин. Дивиденд тўловларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун жамият бошқаруви ўрнатилган тартибда жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

11. Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖнинг 2019 йил учун тузилган “Бизнес-режа”си иловага мувофиқ тасдиқлансин. Соф фойда олиш режаси 755 900,0 минг сўм қилиб белгилансин.

12. “NAYMON INVEST CONSULTING” МЧЖ томонидан Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича 2019 йил 23-майда берилган хулоса тасдиқлансин.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖ кузатув кенгаши аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган 88 145 400 сўм рағбатлантириш қуйидагича тақсимлансин: Кузатув кенгаши раиси К.Максудовга 15 866 170 сўм, Кузатув кенгаши котиби М.Т.Бабаевга 12 526 362 сўм, кузатув кенгаши аъзолари М.Қосимов, Ж.Козимов, М.Қорабоев, З.Мирзажонов, О.Ж.Аслонов, Ш.Ш.Нишонов ва Р.Сатторовларнинг ҳар бирига 8 536 124 сўмдан рағбатлантириш ҳисоблансин. Ижроия органи аъзоларининг фаолият олиб борган даври учун ажратилган маблағ ижроия органи аъзоларининг йиғилиш қарорига мувофиқ тақсимлансин. Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖ кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи аъзоларининг бундан буён фаолият олиб борадиган даври учун рағбатлантиришда тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори миқдори ўрнатилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган Низом асосида белгилансин.

14. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркиби қуйидагича тасдиқлансин: К.Максудов, М.Қосимов, Ж.Козимов, М.Қорабоев, З.Мирзажонов, О.Ж.Аслонов, М.Т.Бабаев, Ш.Ш.Нишонов ва У.Эргашев.

15. Тафтиш комиссияси аъзолари таркиби қуйидагича тасдиқлансин: Ш.Худойбердиев, Н.Нарзуллаев ва Ш.Мирзаев.

16. Жамиятнинг 2019 йил учун ташқи аудитори қилиб «PROMSTROY-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин. Унга тўланадиган ҳақ миқдори энг кам иш ҳақининг 90 баравари (18 245 700 сўм) миқдорида белгилансин.

17. "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ ва "Бухоро Агрокимёхимоя" ХАЖ уртасида усимликларни химоя қилиш воситаларини етказиб бериш бўйича 01.12.2017-01.05.2019 йиллар оралигида 5 550 905 046,0 сўмлик шартномалар тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ҳамда 01.06.2019-01.06.2020 гача 31 913 105 291 сўмли тузиладиган шартномаларга амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб жамият ижро органи томонидан амалга оширилишига рухсат берилсин.

Бухоро вилоят “Агрокимёхимоя” АЖнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан тузилиши мумкин бўлган битимлари амалдаги қонун талаблари асосида амалга оширилсин.

18. Бухоро вилоят “Агрокимёҳимоя” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави, “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги” ва “Кузатув кенгаши тўғрисидаги” Низомлари иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказиш жамият бошқаруви зиммасига юклатилсин.

19. Йиғилиш қарорларининг бажарилиши ижросини таъминлаш жамият бошқаруви ва ижроси назорати кузатув кенгашига топширилсин.

Йиғилиш баённомаси 2019 йил 01 июлда 2 нусхада тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



К.Максудов

Йиғилиш котиби



А.Рўзиев